

**ҮҚУВЧИЛАРДА АХЛОҚИЙ ИДЕАЛ ҲАҚИДАГИ ТАСАВВУРЛАРНИ
ШАКЛЛАНТИРИШДА БЮОК АЖДОДЛАРИМИЗИ МЕРОСИДАН
ФОЙДАЛАНИШ ЗАРУРАТИ**

Юнусалиева Наргиза Ортиқбай қызы

Күйөн давлат педагогика институти мустақил тадқиқотчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6815180>

Аннотация. Мақолада үқувчи-ёшларни миллий маънавий мерослар асосида тарбия бершида Марказий Осиё мутафакирларининг маънавий меросидан фойдаланиши ва улар орқали ёш авлодга ижобий мезонларни шакллантириши назарда тутилади. Шунингдек, буюк алломаларнинг тарбия ҳақидаги қимматли ўғитларидан наъмуналар келтирилади. Уларнинг ҳар бирини ижод йўли ва ҳаёти ёшлар учун катта бир мактабдир.

Калим сўзлар: маънавий мерос, маънавий тафаккур, одоб-аҳлоқ, қариндош-уруг, маҳалла ва жамоатчилик ҳамкорлиги, аҳлоқий камолот, ҳалоллик ва поклик, иймон ва виждан, маънавий хислатлар.

**НЕОБХОДИМОСТЬ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ НАСЛЕДИЯ НАШИХ ВЕЛИКИХ
ПРЕДКОВ В ФОРМИРОВАНИИ ПРЕДСТАВЛЕНИЙ О НРАВСТВЕННОМ
ИДЕАЛЕ У ШКОЛЬНИКОВ**

Аннотация. В статье предусматривается использование духовного наследия центральноазиатских мыслителей в воспитании читателя-молодежи на основе национального духовного наследия и через них формирование позитивных критериев для подрастающего поколения. Кроме того, пословицы приводятся от ценных сыновей великих ученых о воспитании. Творческий и жизненный путь каждого из них - отличная школа для молодежи.

Ключевые слова: духовное наследие, духовная рефлексия, порядочность, родственное семья, партнерство по соседству и сообществу, нравственное совершенство, честность и чистота, вера и совесть, духовные качества.

**THE NEED TO USE THE HERITAGE OF OUR GREAT ANCESTORS IN THE
FORMATION OF IDEAS ABOUT THE MORAL IDEAL AMONG
SCHOOLCHILDREN**

Abstract. The article provides for the use of the spiritual heritage of Central Asian thinkers in the education of schoolchildren through socialization and the formation of positive criteria in the younger generation. There are also examples from the works of great scientists, the creative path and life of each of whom is an excellent school for young people.

Keywords: spiritual heritage, spiritual thinking, morality, kinship, community and partnership in the community, moral maturity, honesty and purity, faith and conscience, spiritual qualities.

КИРИШ

Жаҳонда шахс ва жамиятнинг ўзаро муносабати, ижтимоий амалиётлар таҳлил қилинганда идеал, ғоя, мақсад ва моделлар катта ўрин эгаллаши кузатилади. Шахс маънавий борлиғида, аввало, эпистемологик, гносеологик қатлами юзага келар экан, унда, албатта, ўзгармас, мукаммал, намуна ва андаза сингари хусусиятларга эҳтиёж сезган. Бу бир томондан, шахс онгига экзистенциал бўшлиқни тўлдириб, иккинчи

томондан, жамиятда инсоннинг яшашдан мақсади, интилиш уфқлари ва баҳтли-фаровон ҳаёт кечириш идеалларини яратишга, комплекс ривожланишиш моделларини ишлаб чиқиши кун тартибига қўйган. Ҳозирги кунда ўқувчи-ёшларда ижтимоий-ахлоқий идеалини шакллантириш ва унинг маънавий-мағкуравий, ижтимоий-маданий омиллар билан ўзаро таъсирлашишини тадқиқ этиш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Кейинги йилларда нашр этилган илмий-фалсафий адабиётларда шахс ижтимоий-ахлоқий идеалининг ўзаро синкетикилиги, шахс онгидаги симбиоз ривожланишига оид турли қараашлар илгари суримоқда. Идеал муаммосини ўрганиш педагогик тафаккур тарихининг барча даврларида муҳим ўрин тутиб келган. Ахлоқий идеал муаммоси юзасидан олиб борилган илмий-тадқиқотларни шартли равишда гуруҳлаш мумкин. Биринчи гуруҳдан идеал тушунчасининг табиати муаммосини умумназарий жиҳатдан ўрганган мумтоз фалсафий манбалар, кенг кўламда ўрганилган идеал турларини қамраб оловчи илмий тадқиқотлар; иккинчи гуруҳдан инсон, шахс маънавияти ибтидосида ахлоқий, ахлоқий масалаларни қамраб оловчи диний-маърифий, аксиологик илмий тадқиқотлар; учинчи гуруҳдан ахлоқий идеалнинг миллий-этник хусусиятлари, ижтимоий-ахлоқий идеалнинг классификацияси, шахс ахлоқий маданияти, унинг жамият маънавий тараққиётидаги роли ҳамда илмий билимлар тизимидағи ўрни ўрганилган тадқиқотлар; тўртинчи гуруҳдан ҳозирги замон шахс ахлоқий идеалининг шаклланиши мезонлари, омиллари, ахлоқий ва ахлоқий идеалнинг имманентлиги, антитентлиги ҳақидаги илмий тадқиқотлар; бешинчи гуруҳдан эса ҳозирги замон фалсафасида шахс таълим-тарбиясига оид масалалар алоҳида ўрин тутиши, айниқса, унга этикалогик, экоахлоқий муаммолар, маданий эврилишлар, «коммавий маданият»нинг таъсири катта эканлиги, шу билан бирга, шахс ахлоқий идеалининг шаклланишида илм-маърифат, санъат ва спортнинг ҳам таъсири масалаларига бағишлиланган тадқиқотлар ўрин олган.

Мустақилликдан сўнг мамлакатимизда ахлоқий идеални бадиий-фалсафий, аксиологик, культурологик тамойиллар асосида тадқиқ этиш ва уни шахс маънавий камолотининг мезони сифатида қараашга доир талайгина тадқиқотлар юзага келди. Бу борада Э. Юсупов, Й. Жумабоев, Х. Шайхова, Ҳ. Алиқулов, М.Абдуллаев, Н. Комилов, Қ. Назаров, Абдулла Шер, А.Эркаев каби файласуф олимларнинг тадқиқотларини алоҳида эътироф этиш мумкин.

Учинчи гуруҳга ахлоқий идеалнинг миллий-этник хусусиятлари, ижтимоий идеални бир элементи сифатида иштироки, шахс ахлоқий маданияти ва жамият маънавий тараққиётидаги роли, шу билан бирга, унинг илмий билимлар тизимидағи ўрни ҳамда инсонпарварлик моҳиятига доир илмий тадқиқотлар мансуб. Ахлоқий идеал муаммоси фалсафа тарихи, ижтимоий фалсафа, этика, ахлоқий, дин фалсафаси шифрларида ўрганилган бўлиб, С.С.Аззамходжаева, М.Қаххорова, Р.Р.Бурнашев, М.Жакбаров, Э.М.Иззетова, Г.Наврӯзова, О.Файбуллаев, Д.Нишонова, Р.Р.Замилова сингари тадқиқотчиларнинг ишларида ўз аксини топган.

Тўртинчи гуруҳга ахлоқий идеалнинг шахс тарбиясидаги ўрни, ахлоқий-ахлоқий идеалнинг имманент белгилари, антитентлик хусусиятлари, ахлоқий идеални таркиб

топтиришда педагогик, ахлоқий ва бадиий асосларини замонавий методология асосида ўрганган тадқиқотчиларни киритиш мумкин.

Мазкур тадқиқотларда шахс онгода идеалнинг шаклланиши, этика ва ахлоқийа илмининг замонавий муаммолари ўз аксини топган. Бешинчи гурухга ҳозирги замон амалиёт шакллари фалсафасида шахс ахлоқий идеалининг шаклланишида санъат ва спортнинг синтезлашган, интегратив, конструктив жиҳатлари, шунингдек, шахс ахлоқий онгода спорт тафаккури, олимпизим руҳини шаклланиши, спортнинг антропо -ахлоқий жиҳатлари, жисмий гўзаллик эволюцияси, бадиийлик ва ижтимоий-маданий хусусиятларини ўрганган тадқиқотчиларни киритиш мумкин.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Дунё илм-фанида шахс феномени билан боғлиқ шундай муаммолар юзага келмоқдаки, уларнинг кўлами ижтимоий-гуманитар фанлар доирасидан чиқиб, табиий-илмий фанлар тадқиқот соҳалари билан интеграциялашмоқда. Ўқувчиларда ахлоқий идеалини шакллантиришда санъат ва бадиий маданиятнинг устуворлигини таъминлаш, экоахлоқий идеални шакллантириш орқали атроф-муҳит соғломлигига эришиш каби муаммоларга бағишлиланган илмий тадқиқотлар шулар жумласидандир. Шахс ахлоқий идеалини ривожлантиришнинг когнитив ўлчов моделларини яратиш, педагогик, аксиологик жиҳатларини қайта таҳлил қилиш, санъат ва спортнинг когерент боғланиши, ахлоқий-ахлоқий омиллар мезонини ўзгаришига қаратилган илмий тадқиқотлар натижасида замонавий илмий назариялар илгари сурilmоқда. Шунинг учун ўқувчи-ёшларда ахлоқий идеалини миллӣ ва умуминсоний хусусияти билан бирга замонавий методология, илм-фан ютуқлари ва идеологик омилларнинг таъсирини ўрганиш илмий-амалий аҳамиятга эга. Мамлакатимизда олиб борилаётган жамият ҳаётида туб ўзгаришлар ва янгиланишлар инсониятни абадий идеали бўлган адолатли фуқаролик жамияти сари илгарилама ҳаракатини ифодалайди. Эски методология асосида шаклланган идеаллар ўрнига фуқаролик жамияти талаблари асосида шаклланган шахс ахлоқий идеалини ривожлантириш долзарб масалага айланмоқда. «Юксак идеаллар йўлида фидойлик кўрсатиб яшаш, ўзлигимизни англаш, ғурур ва ифтихор, миллӣ манфаатларимизни ҳимоя қилиш учун бел боғлаб майдонга чиқиши...эзгу фазилат эканини ҳаммамиз яхши биламиз ва буни қадрлаймиз»[1]. Шу нуқтаи назардан шахс ахлоқий идеалини ривожланиши тенденциясини қайта кўриб чиқиши, айниқса, шахс ахлоқий ва ахлоқий идеалини ўйғуллаштириш, унинг ички тизимини янгича талқин қилиш, замонавий фуқаролик позициясига эга шахсни шакллантириш долзарб умумназарий масала ва объектив заруратдир.

Ўқувчи ёшларга тарихий мерос, маънавий қадриятларни ўргатиш алоҳида аҳамиятга эга. Натижада, ўқувчида уларга нисбатан шахсий муносабат таркиб топиб, аста-секинлик билан боланинг маънавий дунёқарashi ҳам шакллана бошлади. Бугун ана шундай бир глобаллашув даврида, ўқувчилар халқимиз ўтмишига хурмат мавқеидан, унга фахр ҳисси билан ёндашишни ўргансалар, кейинги ҳаётида янги ютуқларга эришадилари муқаррардир.

Шунинг учун ҳам ўқувчилар онгига миллӣ ахлоқий сифатларни, орзу-истаклари, иймон-эътиқодлари, дунёқарашларини миллӣ маънавий ва тарихий мерос асосида

шакллантириб бормас эканмиз, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Бунинг учун, шубҳасиз, келажагимиз бўлмиш фарзандларимизнинг, баркамол, ахлоқли бўлиб тарбияланишларига эришишда фақат миллий таълим-тарбия кўникумаларига эга бўлишимиз даркор.

Улуг аждодларимиз томонидан яратилган ва бугунги кунда бутун маърифатли дунёни ҳайратга солиб келаётган илмий мерос фақат бир миллат ёки халқнинг эмас, балки бутун инсониятнинг маънавий мулки бўлиб, бу бебаҳо бойлик янги ва янги авлодлар учун донишмандлик ва билим манбаи, энг муҳими, янги кашфиётлар учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Демак, бугунги ёшлар аждодларига муносиб равишида Марказий Осиё ҳудудида Учинчи Ренессанс даврини юзага келтириши шарт. Зеро, халқимизнинг узок ўтмиши, тенгсиз маданияти, мард-жусур боболари, бебаҳо аждодлар мероси доимо янги кашфиётлар, янги марраларларни забт этишга ундан туради.

Ана шундай буюк инсоний фазилатлар фақат тинч, барқарор, мустақил юртда шаклланиши мумкин. Бунинг учун ҳар бир ёшни ватанпарварлик ҳамда аждодларимиздан қолган миллий маънавий меросларга хурмат руҳида тарбиялаш даврнинг асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда мамлакатимизда ёш авлоднинг жисмоний, интеллектуал ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига, уларни ислом маданиятининг манбалари асосида миллий тарихий меросимизга, миллий ва умуминсоний қадриятларга хурмат руҳида тарбиялаш каби устувор йўналишларда кенг қамровли тизимли ишлар амалга оширилмоқда. «...Халқимизнинг тарихий мероси, урф-одатлари ва миллий тарбия анъаналарини асрлаб-авайлаш, кенг аҳоли қатламлари, айникса, ёшларимиз ўртасида динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиши»^[2] каби устувор вазифалар белгиланган. Бу борада Имом Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, Имом Абу Исо ат-Термизий ва Ал-Ҳаким ат-Термизий каби муҳаддис олимларнинг илмий асарларида инсоннинг маънавий-ахлоқий, тарбиявий қарашларига оид жиҳатларидан ёш авлод маънавий тарбиясига татбиқ қилишнинг педагогик ечимларини асослаш, муҳаддис олимлар илмий меросидан, айниқса, хулқ, одоб-ахлоқни таъминлашга хизмат қиласиган касбий малака, ижтимоий-педагогик билимларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатларига илмий изланишларни кенг қамровли амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор фармон ва қарорлари, жумладан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон «Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори (мазкур Қарорнинг III боб 10-бандида умумий ўрта таълим муассасаларининг I–XI синфлари учун «Одбонома», «Ватан туйғуси», «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари», «Динлар тарихи» фанларини бирлаштирган ҳолда «Тарбия» фани жорий этилди), қабул қилинди.

МУҲОКАМА

Маънавий-ахлоқий билимлар ўқувчи фаолиятида маънавий кўникум ва малакаларни шакллантиради. Демак, маънавий-ахлоқий тарбиялашни такомиллаштириш ўқувчиларнинг мактабда турли ижтимоий-гуманитар фанлар асосларини эгаллашлари

борасида пайдо бўлади. Маънавий-ахлоқий билим орқали маънавий-ахлоқий тарбиялашни такомиллаштиришга эришилади. Имом ал-Бухорий ривоят қилган «Илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмагай» ёки «Бешикдан қабргача илм изла» ҳадисларида кўришимиз мумкин. Билим – ўқувчиларнинг ахлоқий меъёрларида алоқалари ва муносабатларида намоён бўлади. Ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашни такомиллаштиришда таълим-тарбия жараёни мазмуни, шакл ва методларини такомиллаштириш алоҳида ўрин эгаллайди. Бу ўқитувчининг билим савиясига, педагогик маҳоратига, санъаткорлиги, салоҳиятига боғлиқ. Ўқувчининг дарсларда олган назарий билими, амалий қўнишка ва малакалари уларнинг турмушида, хулқ-атворида, жамиятдаги кишиларга бўлган муносабатида намоён бўлади. Маънавий-ахлоқий тарбия ҳар бир шахсни маданият, маърифат дунёсига олиб киради.

Ахлоқий тарбия ўқитиши жараёни билан қўшиб олиб борилади. Буюк немис педагоги А. В. Дистервег таъкидлаганидек, яхши ўқита билган ўқитувчи яхши тарбиялайди ҳам. Ахлоқий тарбия жараёнининг муваффақияти ўқувчилар ва ўқитувчилар жамоасининг савиясига боғлиқ. Бунинг учун жамоа аҳил ва инок, болалар интизомли бўлиши керак. Тарбиявий ишларнинг бундай режали ва аниқ мақсадли бўлиши ҳамда ҳамжиҳатлик билан амалга оширилиши ахлоқий тарбиянинг муваффақиятини таъминлайди. А.С. Макаренконинг «ўнта юқори малакали, ўз ҳолича ишлайдиган ўқитувчидан малакаси паст, бир ёқадан бош чиқарадиган бешта ўқитувчи афзал» [4]деганини унутмаслик керак. Мактабда ижобий эмоционал шароит яратиш ахлоқий тарбия жараёнига фойдали таъсир этади. Шу ўринда ўқувчиларни миллий маънавий мерослар асосида ахлоқий тарбиялашда қуидаги усулларни тавсия этиш мумкин:

биринчидан, тушунтириш, ўқтириш, сухбат, мунозара, лекция, рағбатлантириш, жазолаш усулларидан фойдаланиш асосида ўқувчиларнинг мактабдаги умумий ва ягона тартиб қоидага риоя қилишларига эришиш;

иккинчидан, ахлоқий одатни шакллантиришда машқ ва машқлантириш ҳамда болаларнинг турли фаолиятини уюштириш;

учинчидан, турли байрам тадбирлари «Мустақиллик куни», «Наврӯз байрами»; адабий кечалар «Шарқ мутафаккирлари дунё тамадунининг асосчилари» мавзуларидаги тадбирларни самарали ташкил қилиш;

тўртингчидан, Тарбиявий соатлар, «Тарбия» дарслари савиясини оширишда интерфаол методлардан самарали фойдаланиш;

бешинчидан, оммавий ахборот воситалари кинотеатр, телевидение кўрсатувларидан, жумладан, «Оталар сўзи ақилнинг кўзи», каби эшиттиришларидан фойдаланиш;

олтинчидан, меҳнат фахрийлари, илм-фан ходимлари ва уруш фахрийлари, кўп болали оналар, имонли қариялар, ҳожилар билан ўқувчилар учрашувларини уюштириб бориш;

еттингчидан, дарс жараёнида синфдан ва мактабдан ташқари машғулотларда Шарқ қадриятлари ва миллий анъаналар акс этган Қуръони Карим, Ҳадис, Кайковуснинг «Қобуснома», Юсуф Хос Ҳожибининг «Кутадғу билиг», Носир Хисравнинг «Саодатнома», Ибн Синонинг «Донишнома», Саъдийнинг «Гулистон», «Бўстон», Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб», Бобурнинг «Бобурнома», Абдулла Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» каби асарларидан фойдаланиш лозим.

Ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашни такомиллаштириш асосида уларда бир қатор сифатлар намоён бўлади. Улар: ўз-ўзини бошқариш, ўз-ўзига доимо танқидий қараш, камчиликларни ўзидан қидириш, ўз-ўзига талабчан бўлиш, ҳамма жойда аниқ ишларни вижданан бажариш, ўз-ўзини тарбиялаш, бунда кучли ва кучсиз томонларни аниқлаш, ахлоқий тарбияланганлигини, билимларни яхши эгаллаганлиги, ахлоқий туйғуларнинг ривожланганлиги, мақсадга интилиш, довюраклик ва ҳал қилувчанлик, мустақил фикрга эга бўлиш, талабчанлик, ташаббускорлик, мустақиллик, ўз-ўзини идора қилиш ва тута билиш ташкил этади.

ХУЛОСА

Педагогик фаолиятда ҳоҳ у бошланғич синф ўқитувчиси бўлсин, ҳоҳ у юқори синф ўқитувчиси бўлсин дарс машғулотларида маънавий-ахлоқий тарбия мазмунини халқимизнинг неча минг йиллик тарихида ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган миллий-маънавий мерослар, анъана ва урф-одатлари, Ислом дини ва ҳадисшунос алломаларимизнинг ҳадис ғоялари билан бойитиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, бу усувлар ахлоқий тарбия негизини ташкил этиб, ўқувчиларнинг маънавий ахлоқий тарбиялашни такомиллаштиришда хизмат қиласди.

REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Тошкент.: Ўзбекистон, 2018.-Б.181.
2. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг Қарори. Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида. 2017 йил 28 июль // Халқ сўзи, 2017 йил 29 июль. ПҚ-3160-сон. [Электрон ресурс] <https://lex.uz/docs/4071203>
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабр.
4. Педагогика / А. Қ. Мунавваровнинг умумий таҳрири остида. — Т.:Ўқитувчи, 1996.
5. Bakhromovich SI. The impact of managerial professional development on the effectiveness of Higher Education institution management. Academicia: an international multidisciplinary research journal. 2020;10(12):1014-20.
6. Siddikov, I. B. (2019). Философско-педагогические аспекты развития интеллектуальной культуры студентов. Вестник Ошского государственного университета, (3), 38-42.
7. Bakhromovich, S. I. Development trends and transformation processes in academic mobility in higher education in Uzbekistan and the world.
8. Bakhromovich, S. I. (2021). A comparative induction of the epistemological and theological views of medieval Islamic oriental scholars. Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities, 1(1.7 Philosophical sciences).
9. Bakhromovich, S. I. (2021). Views on the role of science in human and society life in islamic teaching. International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences, 1(3), 79-86.
10. Bakhromovich, S. I. (2020). Effects of Objective and Subjective Factors to Develop Intellectual Culture of Youth. Canadian Social Science, 16 (2), 55-59 p.

11. Bakhromovich, S. I. (2018). Social and philosophical performance of making youth's intellectual culture. European science review, (7-8).
12. Bakhromovich, S. I. (2020). Analysis Of Modern Approaches To Ensuring The Effectiveness Of Management In Higher Education Institutions. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(12), 364-369.
13. Bakhromovich, S. I. (2021). Philosophical comparative studies of the epistemological and theological views of medieval eastern scholars. Turkish Journal of Physiotherapy and Rehabilitation. Turkey, 2021. №32 (3), (Scopus) – P. 30338-30355
14. Bakhromovich, S. I. (2022). Dialectical and synergistic features of the development of theological and epistemological views in medieval eastern islam. European Journal of Humanities and Educational Advancements (EJHEA), - Las Palmas, Spain, Volume 3, Issue 2 February, 2022. – P. 79-83